

УДК 821.512.133

ARTISTIC IMAGE OF THE PAST
ЎТМИШНИНГ БАДИИЙ ИФОДАСИ
ХУДОЖЕСТВЕННОЕ ИЗОБРАЖЕНИЕ ПРОШЛОГО

Узоқов Акрам Хикматович

Гулистон давлат университети, 120100. Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, 4-мавзе.

Abstract. This article examines specific aspects of the historical prose of the People's Writer of Uzbekistan Muhammad Ali, in particular the trilogy "The Great Empire". Before the appearance of this trilogy, the writer tried several times to create a large-scale picture of the past, or rather to portray a full-fledged image of Amir Timur. For the first time as a young poet, Muhammad Ali addressed the image of Amir Timur in his poem "Ray over the Dome", and in the second

half of the 80s of the XX century he published the novel "Sarbadars". The Great Empire Trilogy as if it is a logical continuation of those efforts of the writer, appearing in the mid—60s of the XX century. In the process of creating the trilogy, Muhammad Ali gets acquainted with the historical, scientific and literary works of Western historians like Rui de Clavijo and Schiltberger, writers K.Marlowe, I.Goethe, R.Grousse, S. Clark, L.Caren, H.Huchshem, Russian orientalists like V.Bartold, A.Yakubovsky, Uzbek scientists like I. Muminov, B.Akhmedov, H.Karamatov and many others. In the trilogy itself, the image of Amir Timur is interpreted from a completely different angle. The writer tries to tell little about the military or military-political deeds of Amir Timur. Basically tells about the human qualities of Sahibkiran.

Keywords: poet and translator, sources, special aspects, creative activity, artistic colors, the spirit of the times, complex issues of life, personal experiences, ways of thinking, ideological and artistic interpretation, artistic depiction of historical events, historical relevance, scientific and literary observation, research, the concept of the protagonist, human studies.

Аннотация. В данной статье рассматриваются конкретные аспекты исторической прозы Народного писателя Узбекистана Мухаммада Али, в частности трилогии «Великая империя». До появления данной трилогии писатель в своем творчестве несколько раз обращался к историческому прошлому народа. Хотел создать полноценный образ Амира Тимура. В 1965 году будучи молодым поэтом М.Али опубликовал поэму «Луч над куполом», где автор обращается к четырем знаменательным датам прошлого. Одним из тех является эпоха Амира Тимура. Во второй половине 80-х годов прошлого века, писатель издал новое произведение- роман «Сарбадары». В этом романе автор рассказывает о тех событиях, которые происходили до восхождения Амира Тимура на трон Мавереннахра. Трилогия «Великая империя» как бы является логическим продолжением тех усилий, которые сформировались в 60-годах XX века. В процессе создания трилогии писатель ознакомливается историческими, научными и литературными трудами западных историков как Руи де Клавихо, И.Шильтбергер, писателей К. Марло, И.Гете, Р. Груссе, С.Кларк, Л.Керен, Х.Хукхем, русских востоковедов В.Бартольд, А.Якубовский, узбекских ученых И.Муминов, Б.Ахмедов, Х.Караматов, и многих других. В самой трилогии образ Амира Тимура трактуется совсем из другого ракурса. О полководческих или же военно-политических деяниях Амира Тимура писатель старается дать более скромные информации. В основном перед читателем Амир Тимур предстает со всеми своими человеческими качествами.

Ключевые слова: поэт и переводчик, источники, особые аспекты, созидательная деятельность, художественные краски, дух времени, сложные вопросы жизни, личные переживания, способы мышления, идейно-художественное толкование, художественное изображение исторических событий, научно-литературное наблюдение, исследование, концепция главного героя, человеческие этюды.

Кириш. Адабий асарларда тарихий шахс образининг бадий характер даражасида етилиши ижодкорнинг маҳоратидан, истеъдодидан далолат беради. Айни пайтда шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, психологик таҳлил ижодкорга асар қаҳрамонининг ўйлари, фикрлари, турли ҳодисалар ва образлар таъсирида руҳиятидаги кечинмаларини турлича ҳолатларда бериш, характер қирраларини ёркинроқ тасвирлаш имкониятини ҳам бериши билан биргаликда унинг ҳам табиийлигини, ҳам ҳаққонийлигини таъминлайди. Бундан ташқари тарихий мавзудаги асарларнинг хусусиятларидан бири шуки, акс эттириладиган тарихий шахс ҳаёти ва фаолиятига нисбатан ёзувчининг илмий-бадий концепцияси мавжуд бўлиши керак. Зеро, ёзувчида бирор қаҳрамонни қай йўсинда ёритиш, яъни ижодий ният асар ёзиб бошланмасдан олдин пайдо бўлади. Ёзувчи материал танлашда, уларни саралашда, характерларни талқин этишда ўзининг бош ижодий ниятидан келиб чиқади [1], [2].

Тадқиқотнинг объекти ва қўлланилган методлар

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мухаммад Алининг ижодига доир бўлган баъзи манбалар, асосан мустақиллик йилларида дунё юзини кўрган "Улуғ салтанат" трилогияси олинди. Тадқиқот мавзунинг ёритишда тарихий-қийсий, контекстуал, комплекс таҳлил усулларида фойдаланилган.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Истеъдодли шоир ва таржимон Мухаммад Али Амир Темур шахсига, фаолиятига, ҳукмдорлик қилган даврига доимий қизиқиш билан ёндашган адиблардан биридир. Адибнинг "Улуғ салтанат" номли асари "Сарбадорлар" номли тарихий романининг мантики давоми десак адашмаган бўламиз. Аввал таъкидлаганимиздек, Мухаммад Али асарни яратиш жараёнида жуда ҳам кўп манбаларга мурожаат қилган ва зарур маълумотлар тўплаган [5]. Ғиёсиддин Али, Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий каби шарқ алломаларини беназир битиклари, Руи де Клавихо, И. Шильтбергерларнинг эсдаликлари, В.Бартольд, А.Якубовский, И.Мўминов, Б.Ахмедов, Х.Кароматов, А.Қуронбеков ва бошқа олимларнинг тадқиқотларининг синчковлик билан ўрганган. Шу билан биргаликда К.Марло, И.Гёте, Р.Груссе, С. Кларк, Л.Кэрен, Х.Хукхем каби ғарбий европалик ижодкорларнинг асарларини ўқиб чиққан. Амир Темур сиймосини ҳаёт зарурияти ва кўнгил эҳтиёжи сифатида ўрганиб унинг моҳиятини ўрганишга ҳаракат қилган.

Умуман олиб қараганда, асар Амир Темурнинг жаҳонгирлик фаолияти ҳақида ҳикоя қилмайди. Аксинча китобхон кам биладиган, тасаввурларида унчалик ҳам шаклланимаган қирралари, жумладан инсоний фазилятлари, шахсий ҳаёти, бунёдкорлик фаолиятига кўпроқ аҳамият қаратади. У нафакат душманлари учун қасоскор, балки фуқаросининг тақдирини, ижтимоий аҳволи, миллий қадриятлари, маънавий бойлиги

хусусида бош котирувчи ҳукмдор, ва нихоят ўз ўй-фикрлари, орзу-армонлари, қолаверса ички дунёси доимий курашда бўлган турли мураккаб қирраларга эга бўлган оддий шахс сифатида акс эттирилади. Алалокибат китобхон кўз ўнгида давлат ишларини, кенгашу машварат асосида олиб борадиган, ҳар бир тадбирни, ҳоҳ у ҳарбий ёки сиёсий-ижтимоий бўлсин, етти ўлчаб кейин амалга оширадиган давлат арбоби сифатида тасвирланади [3], [4].

Адиб Соҳибқироннинг бошқа сифатларини ҳам бадий бўёқлар орқали ёритиб беришга ҳаракат қилади ва бу вазифани муваффақиятли уदдалайди. Жаҳон аҳлига енгилмас саркарда ва улуғ ҳукмдор сифатида танилган Амир Темурни инсон сифатида авлодларга намуна бўладиган фазилатларини ҳаётий лавҳаларда ифодалайди [3].

Роман ҳаёт ва инсоний манзараларнинг санъаткорона талқини билан китобхон тасаввурини янгилашга хизмат қилиши билан ҳам қимматлидир. Турли сабаблар туфайли халқимиз шуурурида хира тортган тасаввурларини тиниклаштиради. Адиб Амир Темурнинг улуғлигини, унинг ақл-заковати, салоҳияти, ғавқулодда инсоний қирраларини излайди, қидиради. Амир Сайфиддин некўз, Амир Жоку барлос, Давлат бахши уйғур, Оқ Буга найман сингари шижоатли ва жасур, садоқатли ва тадбиркор дўстлар давраида тасвирлайди.

Асар яна бир томони билан алоҳида эътибор лойиқ. Оила бошлиғи яъни мўътабар хонадон бошлиғи, каттиққўл ота, меҳрибон қайнота ва бобо сифатида ифода этилган. Афсуски бу ҳолатлар хали бадий адабиётда унчалик ҳам муваффақиятли даражада ўз аксини топмаган эди. Китобхон унинг аёлларга бўлган муносабати заминидан хурмат ва эҳтиромни, инсоф ва покдомонликни кўради. Ёзувчи Соҳибқирон хонадонидан аёл ва болалар ардоқланган экан, демек уларнинг нуфузи салтанатда ҳам юксак бўлганлигига урғу беради. Малика ва набиралар учун пойтахт атрофида “Боғи Чинор”, “Боғи Дилкушо”, “Боғи беҳишт” каби бир неча боғлар барпо этилганлиги, қолаверса Самарқанднинг ўзида бир неча мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар курдириш орқали аёлларни рағбарлантириш ва шу билан уларни савоб ишларга йўналтириш, мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол қатнашишлари билан эл-улус орасида мавқеларини юксалтириш мақсади мужассамлигини тўғри ифода этади.

Муҳаммад Али қаламга олинаётган давр руҳини теран ҳис этади. Қаҳромонлар руҳиятини, феъл-атворини тўғри идрок этади. Мамлакатда тарбиянинг инсоний йўли танлангани ва унинг қонун даражасида устивор бўлганлигига асосланиб, персонажларнинг тирик инсон сифатида тасвирлашга ҳаракат қилади [5].

Асарда адиб кураш ва тўқнашувларни қарама-қарши кутблардан изламайди. Кўпроқ эътиборни характерларнинг ички дунёсига ҳос мураккабликлари бутун кескинлиги билан тасвирлашга қаратади. Манфаат йўлида ҳар қандай қабихликдан қайтмайдиган, бемаслак кимсаларнинг руҳиятида илдиз отган жаҳолатни фош этади. Ватан, эл-юрт тақдирига дахлдор масалаларни ғоя-бадий жиҳатдан таҳлил этади. Бу билан китобхон ҳам ҳаётнинг мураккаб масалаларига оқилона ёндошишга, тарихнинг барча зиддиятларини теран идрок этиш, лозим бўлса зарур пайтлари керакли хулосалар чиқаришга даъват этади.

Асарнинг I-II қисми билан танишиб чиққан китобхон кўз ўнгида Амир Темур турли, жумладан, тарих томонидан унинг зиммасига юкланган маъсулият юки залвори ҳис этган, тизгинсиз ўй-хаёллар гирдобидан яшаётган, оталик мурувватидан тўлиб-тошган, Сароймулкхоним эътиборидан қувонч ва таскин топган, пиру-муршидлар насиҳатларидан қувват олган, фарзандлар камолдан ифтихор туйғусини туйган, ғаддор айрилиқ азобидан изтироблар чеккан, ишончини суистеъмол қилган кимсаларни сотқинлигидан азият чеккан ҳолатларда кўпроқ учратади. Амир Темур образида шахсий интим кечинмалар билан ижтимоийлик туйғуси узвий туташиб, чатишиб, уйғунлашиб кетади. Адиб Соҳибқиронни ўз даври ижтимоий тараққиётида тутган ўрни ва эътиқодидан ажратиш талқин қилмайди. Бу ҳол эса романга табиийлик ва ҳаётийлик бағишлаган. Асарда ўз аксини топган Амир Темур образи ҳеч қачон турли икир-чикирларга ўралашиб қолмайди, ҳаётнинг бош йўналишига қайтишга яна ва яна маънавий-руҳий куч-ғайрат топаверади. Энг асосийси, Амир Темурнинг турмуш тарзи ҳам фикрлаш йўсини ҳам тамомила миллийдир. Муҳаммад Али мазкур асарининг биринчи икки китобида Амир Темур сиймосини ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-маиший йўсинда ғоявий-бадий талқин қилишда бош қаҳрамон концепциясини ҳам шунга мувофиқ шакллантирган. Соҳибқироннинг тарихдаги ўрни ҳамда маиший турмуши билан алоқадор фактларни ижодий қайта ишлаб, бадий либос кийдирган. Амир Темур ва унинг атрофини қуршаган одамларнинг турмуш тарзи, орзу-умидлари, кечинмаларини ифода этиш орқали уларга нисбатан муайян муносабатлар ўйғотишга эришган.

Асарнинг “Мироншоҳ Мирзо” номли учинчи қисми аввалгиларига қараганда, бизни назаримизда бирмунча муваффақиятли яратилган. Романнинг илк саҳифалариданок Амир Темур китобхон кўз ўнгида анчагина ҳаётий тажрибалар ортирган, атрофда бўлаётган воқеаларни исломий қонунлар ва тушунчалар асосида идрок этадиган ва ҳар бир амалга оширадиган тадбирларида мамлакат манфаатлари, хавфсизлиги юзасидан келиб чиқиб ҳукм юритадиган зукко давлат арбоби сифатида тасвирланади. Юрт тинчлиги, эл бахти, мўғуллар истибдодида топталган миллат ғурурини тиклаш ва юксалтириш билан бир қаторда мусулмон мамлакатларида адолатнинг тикланишини таъминлаш мақсадида ҳаракатлар олиб боиш учун мажбур. Шу боис келажак авлодлар олдида эмас, балки қиёматда Парвардигор олдида бурчдор эканлигини теран англайди. Бевафо дунёни тўғри йўлга солишга бел боғлаганига қарамай, кўнгил тилақларини амалга

чикиши учун баъзида ҳукмдор муҳит имкон бермаганини, бунёдкорликни ният қилган ҳолда, баъзан вайрон қилишга мажбур бўлганидан афсус чеккан ҳолда ўй-хаёлларга гарк бўлган шахс киёфасидаги ҳолатларда кузатамиз.

Шунингдек, халқимизнинг узок ўтмишида бўлиб ўтган тарихий воқеаларнинг бадий инъикоси гавдаланади, кўлами ҳам кенгайиб боради. Китобхон тасаввурида узок ўтмишда Ҳиндистон, Эрон, Олтин Ўрда ва Якин Шарқ мамлакатларида тахт илинжида турли сулолалар ичида ва орасида олиб борилаган курашлар, тўқнашувларнинг бадий тасвири намоён бўлади. Бунда Ғиёсиддин Алининг “Ҳиндистон сафари кундалиги” асарида келтирилган тарихий маълумотларнинг, жумладан музаффарий ҳукмдорлардан бири Шох Шужоё фаолияти билан боғлиқ воқеалар: отаси Амир Муборизиддин Муҳаммадни зиндонбанд қилиб ўлдиртириб юбориши, ўлим тўшагида ётган кудаси - Табриз ҳокими Султон Увайс устига кўшин тортиб бориши ёки ўз ўғли Мужоҳиддин Шиблининг кўзларига мил тортириши каби ёвузликларини афсус-надоматлар билан акс эттиради. Юқорида қайд этилган воқеалар сабаб яъни бўшашиб кетган шарият қонунларини, исломий урф-одатларни тиклаш, қолаверса Буюк Ипак йўлини тиклаш ва савдо ривожлантириш умидида Хуросон, Эрон, Ироқ, Озарбайжон диёрларига кўшин билан кириб боришини тарихий зарурият нуқтаи назаридан мантиқан ишонарли тарзда тасвирлайди. Ёзувчи ўтмиш воқеаларини ҳолислик билан ёндошади. Жумладан музаффарий ҳукмдорларнинг сиёсий фаолиятини бутунлай қораламайди. Онасининг сўзларини эътиборга олиб, Язд шаҳри қамалини бекор қилган Шох Мансур образини муаллиф эътиром билан акс эттиради. Тарихий маълумотларга қараганда Амир Темур Шох Мансур билан жанг майдонларида тўқнаш келишган, лекин юрт тузишдаги Шох Мансурнинг мардлиги ва жасурлигини тўғри баҳолаган Соҳибқирон Шох Мансурнинг ҳалокатидан сўнг ҳурмат-эътиром билан дафн эткизган. Асарда узок ўтмишнинг ушбу факти ўзининг ҳаққоний бадий аксини топган [6].

Айни шу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, романда Амир Темур бир неча маротаба мураса йўлига чақириб, керак бўлса ҳомийлик қилган, лекин охир оқибат кўрнамаклик қилиб, тарих майдонидан изсиз чиқиб кетган Тўхтамишхон образи ҳам жонли, ишонарли қилиб яратилган. У Амир Темурнинг салоҳиятини, куч-қудратини иложсизлик билан тан олишга мажбур бўлади. Тўхтамишхон ҳаётнинг бу ҳақиқатидан тўғри сабоқ чиқармайди. Ундаги ҳасад, аламзадалиқ, чингизийларга ҳос бўлган манманлик туйғуси маккорлик, хийла-найранг йўлини тутишга сабаб бўлади. Айнан шундай йўл тутиши Тўхтамишхоннинг Амир Темур билан очик жанг майдонида курашишидан хайиқишидан далолат беради.

Асарда Ахий Жаббор, Уста Матпано каби ёндош образларга ҳам муаллиф ўзининг улкан ниятларини, ўзига ҳос залворли вазифаларни юклайди. Романда ўша замонларда кенг тарқалган, мардлик ва ҳалолликни тарғиб қилган, сарбадорлик ҳаракатининг асосий таълимоти бўлган жувонмардлик ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилади. Саҳоват, сафо, вафо каби фазилатларни ҳаётда намоён этишга, татбиқ этишга ҳаракат қилган футуват аҳли намоёндаларидан Шох Малик, Ахий Жабборлар Амир Темур салтанатининг вакиллари сифатида намоён бўладилар.

Китобхон асарнинг марказий қаҳрамонларида бири - Мироншоҳ Мирзонинг шаклланиб, тарбияланиш жараёнини гувоҳ бўлади. Ўспирин шахзодада Куръони карим сураларида ҳикоя қилинган ҳақиқатлар – Одам Ота, Мусо алайҳиссалом қиссаси, Юсуф алайҳиссаломнинг олтин жоми, Иброҳим Ҳалилulloҳнинг либоси, Идрис алайҳиссаломнинг кашкули, Нух пайғамбарнинг олмос тамғаси ҳақидаги нақлларни жон қулоғи билан тинглайди. Жамшид, Кайковус, Афросиёб, Жалолиддин каби жаҳонгирларнинг фаолияти ҳақида битиклар билан танишади. Бироқ унда ўша пайтлари кибр ва ғурур илдиз ота бошлайди. Бу ҳол, вақтлар ўтиши билан Мироншоҳ Мирзода табиатида қизиққонлик, худбинлик, манманлик каби иллатларни шаклланишига сабаб бўлади. Шулар боис юрт бошқарувида қатор хатоликларга йўл қўяди. Муаллиф шахзоданинг юрт бошқаруви ёки оила бошлиғи, атрофидагилар билан муносабатларини юксак маҳорат билан тасвирлайди.

Шубҳасиз, асар улкан интеллектуал салоҳият, тарихий эпик асарлар учун ниҳоятда зарур бўлган илмий-адабий кузатишлар, бадий изланишлар самарасининг ҳосиласи сифатида юзага келган.

Нафсиламри билан айтганда, адиб Амир Темур образини ижтимоий-сиёсий, оилавий-ахлокий тушунчалар бирлигида талкин этади. Кичик вазиятларда ҳам улкан мазмун келтириб чиқаришга муваффақ бўлади. Муаллиф Б. Аҳмедовнинг “Амир Темур” номли тарихий романида кузатилганидек, тарихий фактларни истефода этиш йўлидан бормайди. Муҳаммад Али Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятидаги энг муҳим жараёнларни таҳлил қилишга, ёрқин бўёқларда тасвирлашга интилади. Қаҳрамонни турли ракурслардан ёритишга ҳаракат қилади. Адиб Амир Темур табиатидаги инсоний хусусиятларнинг барчасини мукамал кўрсатишга уринади. Асосийси шундаки, асарда Амир Темур шахсий ҳаётдан маҳрум, нафақат юрт ва халқ дардини ўйлайдиган шахс сифатида, балки ўзининг дарди, қувончлари, армонлари, орзулари, руҳий олами бор оддий инсон сифатида намоён бўлади.

Романни чуқур таҳлил қилган китобхон, асарнинг баъзи саҳифаларида адиб Амир Темур образини бироз идеаллаштириб юборган деган фикрга бориши мумкин. Лекин, миллат ўзини қайта англаш жараёнида қадрият даражасигача юксалган тарихий сиймолар маънавий таянч бўлиб хизмат қилишини

эсласак, бу табиий ҳолдир. Жумладан, француз адабиётида Наполеон, инглиз адабиётида киро́л Эдвард ёки Ричард Шерюрак, рус адабиётида Петро́в образларини эсласак, шунинг ўзи ки́фоя.

Ҳозирги кун ўзбек прозаси жаҳон адабиёти ютуқлари билан бойиб бораётган бир пайтда, тарихий шахслар мисолида халқимиз қалбида, руҳиятида миллий гуруҳ ва ифтихор туйғусини қайта тиклаш шунчаки ўткинчи жараён эмас. Асар халқимизнинг улуғвор ўтмишини кўрсатиш билан бирга, бугунги кун миллий, маънавий қамолтини юксалтириши йўлида вужудга келган муаммоларимизни ақс эттириши билан ҳам ҳамоҳангдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. М. Сатторов, М. Каттабеков. “Олис юлдузлар жилоси”. – Т.: «Ўқитувчи». 1984 й. – 144 б.
2. “Ватан осмонида порлаган юлдуз”. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” №7. 1995. Б. 5
3. М. Сафаров. “Соҳибқирон қиссаси” “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”. №11.1994 й. Б.6
4. Н. Раҳимжонов. “Тафаккур-тарих мезони”. “Шарқ юлдузи”. 1992 й. №11. Б. 46-48
5. И.Ёқубов. “Муҳаммад Али ижодида тарихий жараён концепцияси ва лиро-романтик талқин”. Тошкент. “Фан” нашриёти. 2007 й. - 240 б.
6. “Мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикаси”. Тошкент. “Нурафшон бизнес” нашриёти. 2021 й. – 180 б.

References:

1. “Color of remote stars”. M.Sattarov, A.Kattabekov, - Tashkent : “Ukituvchi” . 1984. – 144 p.
2. “Sparvling star in the Motherland’s sky”. “Literature and ant of Uzbekistan” , №.7. 1995. P. 5
3. “Novel of Sohibkiran”, №.11.1994. P.6
4. “Thanght is criteria of history” N.Rahimjonov. “Sharq yulduzi” 1192. P. 46-48
5. “Concept and lyric-novelistic interaretation of historical process in the works of Muhammad Ali”. Tashkent. “Fan”. 2007. - 240 p.
6. “Potry in Uzbekistan novelsin the period of Independence”. Monograph. Tashkent. “Nurafshon business”, 2021.-180 p.

Муаллиф:

А. Х. Узоқов - Гулистон давлат университети “Рус тили ва адабиёти” кафедраси мудири, катта ўқитувчи.